25 03 97

МАҚСАД — ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ

НАМАНГАН. Вилоят фаолларининг йиғилиши ўтган йил якунлари ва янги йил вазифаларига бағишланди. Вилоят ҳокими Т. Жабборов ўз маърузасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари ҳақида сўзлади. Шунингдек, ўрта ва кичик бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ЯНГИ ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

БУХОРО. Қадимги ва навқирон шаҳарда Баҳоуддин Нақшбанд номидаги Тасаввуф ва сўфийлик халқ академияси иш бошлади. Асосий мақсад асрлар мобайнида Шарқ халқлари маданий ҳаётини юксакка кўтаришда муҳим аҳамият касб этган Хожагон Нақшбандия тариқатини тадқиқ ва тарғиб этиш, умумхалқ маънавий мулкига айлантиришдан иборат.

Даврон БАҲРОНОВ.

ЙИҒФОЙКУН

ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ГУЛИСТОНДА ФИРМА ДЎКОНЛАРИ

СИРДАРЁ. Вилоят марказида жаҳонга машҳур фирмаларнинг дўконлари очилмоқда. Жумладан, "ЎзДЭУ" фирмасига қарашли дўконлар ҳамиша гавжум. Яқинда эса "Юлдуз", "Гунча" фирмалари ҳам ўз дўконларини очдилар. Энди "Совпластитал" ва "Ўзсаламан" каби фирмалар ҳам савдо шаҳобчаларини очишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Абдужалил УМАРОВ.

ЭТАКОВУЛ КУВОНЧЛАРИ

ҚАШҚАДАРЁ. Косон туманидаги "Увала" жамоа хўжалигининг Этаковул қишлоғига ўзига хос қувонч оралади. Гап шундаки, энди туман марказига шифо излаб бориб юришга ҳожат қолмади. Қишлоқнинг ўзида янги шифохона барпо этилиб, хотин-қизлару онахонларнинг тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжлари қондирилмоқда.

Юнус УЗОҚОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 15 март, шанба № 33 (22.117).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ҚУВА АНОРИ АМЕРИКАДА

ФАРҒОНА. Қува анорини чет элларда ҳам харид қилишмоқда. Бултур Ш. Рашидов номли анорчилик жамоа хўжалиги АҚШга 25 тонна сархил анор етказиб берган эди. Юртимизда ягона ҳисобланган анор шарбатини ишлаб чиқариш корхонаси эса Италиянинг «Бертуции» фирмасининг жаҳон андозасига мос ускунаси билан созланган. Германияда чиқадиган «Капитал» журналида Қува анори ва унинг хосияти ҳақида мақола босилгани ҳам бежиз эмас.

Алишер ИБОДИНОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ТИРАНА. Албаниядаги сиёсий вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Хабарларга кўра, пойтахт яқинида шиддатли отишмалар эшитилиб турибди. Бир гуруҳ қуролли кишилар Тирана остонасида жойлашган ҳукуматга қарашли ўқ-дори сақланадиган ҳарбий омборни эгаллаб олган.

☑ ВАШИНГТОН. Ўтган йилнинг 17 июлида Американинг «Транс уорлд эйрлайнз» авиакомпаниясига қарашли самолёт Атлантика океани устида ҳалокатга учраганди. Маълумки, ўшанда 230 нафар йўловчи ҳалок бўлган эди. Лекин шу пайтгача ҳалокат сабаблари тўла аниқланганги йўқ.

Яқинда АҚШ миллий гвардияси учувчиси мазкур самолёт ракета билан уриб туширилганини ўз кўзи билан кўрганини айтди ва мазкур фожиа атрофидаги гап-сўзлар яна қўзғалди. Бироқ АҚШ транспорт хавфсизлиги хизмати комиссияси бу фикрни рад этди.

Айни пайтда Парижда чиқадиган «Пари матч» журналининг ёзишича, Нью-Йоркдан Парижга учиб кетаётган мазкур «Боинг-747» самолёти ҳақиқатан ҳам АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари томонидан англашилмовчилик туфайли уриб туширилган.

☑ ПЕКИН. ХХР ҳукумати фуқароларнинг паспорт режимига риоя қилишини текширишни кучайтирди. Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Пекиндаги марказий кўчаларнинг бирида кучли портлаш рўй берган ва 10 киши ҳалок бўлган эди.

☑ ЖАКАРТА. 13 март куни Филиппинда зилзила юз берди. Ер ости силкиниши рихтер шкаласи бўйича 5,9 баллга етди. Зилзила маркази Филиппин пойтахтидан 110 километр узоқликда бўлган. Сўнгги икки кун ичида Филиппин архипелагида иккинчи марта ер ости силкиниши рўй бермоқда.

☑ АНҚАРА. Туркия ички ишлар вазири Мерал Акшенернинг маълум қилишича, 1996 йилнинг 31 декабригача Болгариядан кўчиб келган туркларга бир йил яшаш учун рухсат берилади.

Жорий йилнинг январь ойида ички ишлар вазирлиги Туркияда яшаш учун рухсати бўлмаган 70 минг нафар этник туркни 1 апрелгача мамлакатдан чиқариб юбориш тўғрисида буйруқ чиқарди.

1989 йилдан буён Болгариядан Туркияга 450 минг нафар этник турк кўчиб келган.

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ҲОЗИРЛИК

14 март куни Вазирлар Маҳкамасида Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни республика Президенти Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, уюшмалар ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Наврўз кейинги йилларда мамлакатимиз пойтахти Тошкент ва республикамизнинг барча шаҳар-қишлоқларида тантанали нишонланадиган бетакрор байрамга, қутлуғ анъанага айланиб қолди, деди Президент. Таъбир жоиз бўлса, бу Шарқ халқларининг, хусусан, ўзбек миллатининг нуфузли тарихий қадриятларидан биридир. Зеро, биз Наврўз боис баҳор нафасини, яшариш, янгиланиш завқини туямиз. Бунинг ўзига хос теран рамзий маъноси бор. Чунки инсон табиат билан уйғун ҳолда яшайди. Шу маънода Наврўз инсон ҳаётининг гўзал фаслидир.

Шўро замонида байрамлар кўп эди, ҳозир ҳам кам эмас. Лекин Наврўзнинг ўзига хос, бошқа байрамларга ўхшамайдиган жиҳати шундаки, у ҳар қандай мафкурадан, сиёсатдан ҳоли умумхалқ байрамидир. Шундай экан, байрамга тайёргарлик ҳам унинг ана шу табиатига мос бўлмоғи керак. Токи биз байрам тантаналарида одамлар юракда бор туйғуларини юзага чиқаришларига, интилишларини ифодалашларига, орзу-умидларини намойиш эта олишларига имконият яратиб берайлик. Байрам халқимиз руҳини кўтаришга хизмат қилсин, дея таъкидлади Ислом Каримов.

Суратларда: мажлис пайти.

А. ТУРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Наврўзда одамлар кайфияти ўзгача бўлади. Инсон руҳиятида қишдан чиқиб олдик, энди янги ҳаёт, меҳнат ва тўй онлари бошланади, деган туйғу яшайди. Кўкатларнинг пайдо бўлиши ҳам, сумалак ҳам омонлик ва тўкинлик белгисидир. Наврўз табиат учун ҳам, инсон учун ҳам янгиланиш фаслидир.

Ислом Каримов байрамга тайёргарлик ишларининг бориши билан қизиқар экан, халқимизда байрам арафасида ҳовли-жойларни, кўча ва маҳаллаларни обдон тозалаш, шаҳару қишлоқларимизга ўзгача файз бағишлаш одати борлигини қайд этди. Фақат бу борада фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, туман ва шаҳар ҳокимликлари бош-қош бўлиши, ҳашарга чиққанларга техника воситалари билан ёрдам беришлари лозим. Бу ишга қурилиш ва бошқа ташкилотларни ҳам жалб этиш керак.

Эҳтиёжманд оилаларга, ёлғиз қарияларга, ногиронларга ёрдам кўрсатиш, беморларни йўқлаш ҳам халқимизнинг азалий удуми. Ана шу ишни зиммасига олган вазирликлар, ташкилотлар ёрдам беминнат, айни пайтда сезиларли бўлишига аҳамият беришлари даркор. Меҳрибонлик уйлари, ногиронлар даволаниш масканларида ҳам байрам руҳи ҳукмрон бўлишига эришмоғимиз керак.

Ижодкорлар — ёзувчи ва рассомлар, кино ва телевидение ходимлари, журналистлар байрамимиз моҳиятини халқимиз, айниқса ёшлар онгига теран сингдиришлари лозим. Токи сурат ва тасмаларда, газета-журналларда одамларнинг бугунги ҳаётга муносабати, дилидаги ризолик туйғулари, мамнун чеҳралари муҳрланиб қолсин. Чунки бизнинг бугунги турмушимиз, байрамларимиз билан бутун дунё қизиқмоқда. Қолаверса, бу лавҳалар келгуси авлодларнинг мулкига айланади. Байрам шиорлари, биноларнинг безаклари, уларда фойдаланиладиган ранглар ҳам, ижро этиладиган куй ва қўшиқлар ҳам халқимиз руҳига мос бўлишига аҳамият бериш керак.

Мажлисда Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, Ўзбекистон халқ шоири Э. Воҳидов, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Ш. Темуров, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси бош директори А. Назаров, Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтадиган байрам тантанаси бош режиссёри Р. Ҳамидов кўрилган масала юзасидан ахборот бердилар ва ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Байрам муносабати билан Миллий боғда янги саҳна бунёд этилди. Меҳмонлар учун 3200 жой ҳозирланди. Байрам кунлари пойтахтимизнинг Сайлгоҳ кўчасида, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек хиёбони, Халқлар дўстлиги саройи ҳамда Алишер Навоий номидаги театр майдонларида ҳам кун бўйи шодиёналар давом этади. Сумалак ва ҳалим тарқатилади. Вилоятларнинг савдо кўргазмалари ишлаб туради.

Президент бу борадаги ишларни ниҳоясига етказиш, мавжуд муаммоларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларига аниқ тавсиялар берди.

Мажлисда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, Д. Ғуломова, В. Чжен, К. Раҳимов қатнашди.

(ЎзА).

СЕРТИФИКАЦИЯЛАШ — ШУ КУН ТАЛАБИ

Куни кеча Тошкент автомобиль ва йўллар институтида автотранспорт воситалари ва автосервис ташкилотларини сертификациялаш республика семинари бўлиб ўтди. Унда «Ўздавстандарт», республика табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўзавтосаноат», «Ўзавтойўл», «Ўзбекнефтгаз», «Ўзсаноатхўжаликқурилиш», «Тошшаҳарйўловчитранс»дан мутахассислар ҳамда Тошкент автомобиль ва йўллар институти профессор-ўқитувчилари иштирок этди. Семинар ишини Тошкент автомобиль ва йўллар институти ректори, профессор С. Қодиров олиб борди.

— Бугунги семинар республикамизда илк марта ўтказилмоқда, — дейди «СертифАТ» илмий-техник фирмаси директори Акмал Муҳитдинов биз билан суҳбатда.

— Уни ўтказишдан асосий мақсад тарқоқ тадқиқотлар олиб борувчилар ишини бир мақсадга йўналтириш, яъни, республикада атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашдир.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БАЛИҚ СУВДА ЧАНҚАЙДИ

Бўладиган эл боласини ҳам ботирим дейди, бўлмайдиган эл бир-бирини оёғидан чалади, дейишади. Оёқдан чалишнинг эса усули кўп. Синовдан ўтган усули — ёз-ёз.

Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 12-мактабда ёз-ёз бошланди-ю, нафақат мактаб жамоаси, бутун Қорахитой қишлоғи фуқароларининг ҳам тинчи бузилди.

Ўқитувчи Қаюм Исмоилов ўтган йилнинг октябрь ойидан бошлаб туман, вилоят миқёсидаги турли ташкилотларга мактаб директори (ҳозирда собиқ) Аҳад Давронов устидан шикоят хатлари жўната бошлади.

А. Давронов ким ва нима иш қилди? Шу савол билан туман халқ таълими бўлими мудири Раҳматилла Йўлдошевга мурожаат этдик:

— Туманимизда 52 та мактаб бўлса, шулардан 7 тасигина типовой бинода жойлашган. А. Давронов директорлик қилган 12-мактаб шу етти мактаб орасида ҳам энг замонавийсидир. Мактаб лойиҳасини директорнинг ўзи Украинадан олиб келган. Уни Қорахитой қишлоғида, эски мактаб биноси ёнида қурилиши учун барча ишларни ўзи битирди. Қурилиш бошида ҳам ўзи турди. Мактаб 17 ойда — 1991 йилда битди. Қурилиш ўзи қизиқ ҳашар бўлган. Қишлоқаҳли фарзандлар келажаги учун замонавий мактаб биноси зарур эканини яхши англаб, қурувчиларни иссиқ овқат ва бошқа нарсалар билан таъминлашни ҳар куни бир кўча аҳли ўз зиммасига оларди. Ҳатто қурилиш учун махсус ишлаб берган одамлар ҳам бўлди. Қишлоқ аҳлининг иноқлиги туфайли мактаб жуда қисқа фурсатда қад кўтарди.

Элимиз ноҳақликни кўрса жим туролмайдиган эл. Йил бошидан буён шу масалада қишлоқда уч марта фаоллар йиғини чақирилди. Учала йиғинда ҳам Қаюм Исмоиловнинг иғвогарона хатлари асоссиз экани таъкидланиб, унинг ҳаракатлари қишлоқдошларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди. Кўпюзкишилик йиғинда ундан, нега бундай қиласиз, дея сўралганда А. Давроновга бўлган шахсий ғаразни ифода этувчи сўзлардан нарига ўтолмади. Бир одамни бадном қилиш, умр бўйи мисқоллаб йиққан обрў-эътиборини, ҳалол меҳнати туфайли ортирган ҳурматини тўкиш осон. Аммо А. Давроновнинг ҳимояси учун бутун қишлоқ аҳли керак бўлса, вазиргача борамиз, дейишади. Шунга қарамай, Қ. Исмоиловнинг хатлари ўз кучини кўрсатди. Ёз-ёзлардан чарчаб, қон босими ошиб кетган А. Давронов «ўз аризасига кўра» ишдан бўшатилди.

Бир одамни билиш учун баъзан бир неча кишининг фикрини билишга тўғри келади. Мактаб ота-оналар комитетининг раиси Исроил Ғафуров шундай дейди:

— Халқ ҳамма нарсани билади: кимнинг кимлигини-ю, қайси ўқитувчининг қандайлигини ҳам. Йигирманчи февралда бўлган йиғилишда А. Давроновнинг устидан хат ёзганларнинг масаласи кўрилди. Қаюм Исмоиловнинг ўзи қатнашди. Ота-оналар Қаюмнинг қилган ишларидан жуда ғазабланишди... А. Давроновнинг қилган ишлари беқиёс. Бу мактаб ҳазилакам куч билан қурилмади, ахир. Унинг атрофидаги боғ-роғларнинг ўзи А. Давроновнинг қилган ишларини кўрсатиб турибди.

Қорахитой жамоа хўжалиги бўлими бошлиғи Абдужаббор Абдужалилов шундай дейди:

— Катта иш давомида майда-чуйда камчиликларга йўл қўйилса, улардан бундай катта тўполон чиқаришга арзимайди. Қ. Исмоиловнинг хатти-ҳаракатлари халқнинг эҳтиросига мой сепмоқда... Бу масалада ҳужжатларни кўриб-текшириб, шу асосда бир тўхтамга келиш керак.

Мактабнинг бугунги директори Эркин Нишонов ўзидан олдинги раҳбар Аҳад Давронов ҳақида қуйидаги мулоҳазаларни билдирди:

— Мен қўшни мактабда 11 йилдан буён директор лавозимида ишлардим. Туман халқ таълими бўлимининг қарори билан 27 февралда шу мактабга директорликка тайинландим. Келганимдан кейин ўқитувчилар ўртасидаги мана шу низоли масалани ҳал этишга эътибор қаратдик. Саъй-ҳаракатларимиз билан соғломлашиб келаётган муҳитни Қ. Исмоилов қайта-қайта буза бошлади. Унга нисбатан халқнинг нафрат-ғазаби қўзғалди. Ваҳоланки, Аҳад Давронов қурган шу мактаби билан тириклик пайтида ўзига ҳайкал ўрнатиб қўйди, десак ҳам бўлади.

А. Давроновни билган одамлардан бундай гапларни кўп эшитиш мумкин. Энг асосийси, унинг қилган ишларини янги мактаб биноси, замонавий жиҳозланган синф хоналари кўрсатиб турибди. Биноларнинг ўқув-жиҳозлари — булар зоҳирий белгилар. Биз ботинда қанақа, яъни ўқувчиларнинг билим даражаси қандай экани билан қизиқдик. Мактаб ўқувчилари туман, вилоят олимпиадаларида иштирок этганлиги маълум бўлди. Ўтган ўқув йилида туман бўйича энг кўп олий ўқув юртларига ўқишга кирганлар шу мактаб ўқувчиларидир.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Балиқ сувда чанқайди, деган гап бор. Яъни ёз-ёзга ўрганган одам ёзмаса ўзини ёмон ҳис этадиган бўлиб қолади. Бўлмаса, Қ. Исмоилов А. Давроновнинг устидан кетма-кет шикоят хати ҳам ёзадими? Ёзилган хатлар ва унга ташкилотлардан қайтарилган жавобларда келтирилган далилларни атайин келтирмадик. Чунки улар билан туман, вилоят халқ таълими бўлимлари, туман прокуратураси шуғулланган, шуғулланмоқда. Бу уларнинг иши, хизмати. Бироқ моҳияти аён кўриниб турган бу ишга тезроқ ниҳоя қўймасдан уни чўзиб юришдан кимгадир манфаат бормикин?

Аҳад Давроновнинг ўзидан унга қарши қўйилаётган фактларга муносабатини сўрадик. У, мен нима ҳам дердим, мана одамлардан сўранг, деди. Одамлар билан суҳбатлашганимизда эса бутунлай бошқа манзарани гувоҳи бўлдик. Шунда, балиқ сувда чанқайди, деган доноларнинг гапи тўғри эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Салим АШУРОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Маънавият чироқлари

ВАТАННИ ЎРГАНИШ

Ватан ва миллат тушунчаси маънавий ва моддий оламимизнинг таянч устунларидир. Шу боис Ватан ва миллат сўзи жаранглаганда ёки фикримизда уйғонганида ҳис-туйғуларимиз ёришади, қалбларимизни ажойиб бир илиқлик қамраб олади. Ватансиз миллат бўлмаганидек, миллатсиз Ватан ҳам бўлмайди. Бу икки мавжудлик ягона шаклда намоён бўлувчи буюкликдир. Ушбу буюклик орасида яшаб, айни шу буюкликка тегишлилигини кўриш ва ҳис этиш инсонга нақадар ғурур бахш этишини тасвирлашга ҳожат йўқ. Чунки Ватан бу — миллат шакланиб етилган, унинг аждодлари яшаб ўтган, ўзи ва авлодлари яшашлари лозим бўлган ҳудудий кенглиқдир. Миллат эса ушбу ҳудудий кенглик ва кўламни макон сифатида танлаб, ягона Ватан сифатида намоён бўлишини ташкил этувчи, таъминловчи улкан жамоадир. Миллат ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган ва жумладан миллатлар ҳам. Оддий ва бир текис кечмаган тараққиёт жараёнида маълум жамоаларнинг миллат сифатида шакланиб етишишлари учун узоқ тарихий вақт босиб ўтилган, айни шу тарихий вақт табиий-ирқий сараланиш жараёнларини ҳосил қилган ва ўзига хос тарих элаги вазифасини ўтаган. Ҳаёт, тараққиёт ва ривожланиш силсилаларига бардош бера олган ирқий гуруҳлар ва жамоалар ривожлана бориб, камолга етиб, миллат даражасига эришганлар. Минг-минглаб йилларни ўз ичига олувчи бу жараённи буюкликка интилишнинг ўзига хос кўриниши деб айтиш мумкин. Буюклик чўққиларига омон-эсон етиб бора олган жамоалар миллат деб аталувчи улуғ номга сазовор бўлганлар. Айни шу буюклик ва улуғлик бизга ҳам, яъни башариятнинг йирик бўлаги саналувчи қадим туркийлар қавмларининг бош бўғини ҳисобланмиш ўзбеклар қавмига ҳам насиб этган улуғ неъматдир. Қадим ва яқин аждодларимизнинг улкан хизматлари эвазига эришилган тенги йўқ бойликдир бу. Миллат сифатида шакланиб етишишимиз, тарихий-башарий силсилалар жараёнларида завол топмай, ирқий жамоа ёки миллат сифатида омон қолишимиз учун буюк хизматлар қилган аждодларимиз руҳлари олдида қарздор ва бурчли эканлигимизни таъкидлаб турувчи иккита энг катта бойлигимиз Ватанимиз ва миллатимизнинг мавжудлигидир. Аждодларимиздан бизга мерос қилиб берилган ва авлодларимизга бешикаст, баркамол кўринишда етказишимиз шарт бўлган энг йирик моддий-маънавий таянч устунларимиз шулардир. Юқорида айтиб ўтганимиздек барча миллатлар ҳам буюк ва улуғдир. Улар миллат сифатида шакланиб етиша олган эканлар, демак уларнинг улуғ ва буюкликларига шак-шубҳа йўқ. Шулар қаторида биз ҳам улуғ ва буюкмиз. Ватанимиз ва миллатимизнинг мавжудлиги буюклар қаторида буюк ва улуғ эканлигимизнинг инкор этиб бўлмас даражасидаги исботидир. Аммо миллатнинг буюклиқ даражасида доимий сақланиб туришини таъминлаб турувчи бир қатор ҳаётий қонун-қоидалар мавжуд. Шуларнинг энг асосийларидан бири миллатнинг маънавий уйғоқ ва руҳан бедор бўлишидир. Башарият тарихининг гувоҳлик беришига, руҳияти омон, маънавий олами бутун ва қадриятлари завол топмаган миллат унибўсган ва камолга эришган. Аксинча, маънавиятига путур етган ва ўзининг буюклиги тўғрисидаги таълимотлар ва қадриятларини оёқ-ости қилган миллатлар ва элатлар заволга юз тутиб, маънавий-моддий қарамлик ва мутелик ботқоғига қулаганлар. Демак, миллат ўз-ўзини англаб туриши учун энг аввало унинг руҳияти омон ва маънавияти бутун бўлмоғи зарур. Маънавий руҳий уйғоқ халқ доимо тараққиёт, илм-маърифат томон интилиб яшайди. Мантиқан тўғри хулоса қилиб айтилганда миллат маънавияти ва илм-маърифатининг қай даражада бўлиши айни Ватан ва миллатнинг ривожи, яъни унинг моддий-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий жиҳатдан бақувват бўлиб етишишига шарт ва шароитларни яратувчи имконият даражаси бўлиб хизмат қилади. Шу борада ўқувчидан айрим масалалар устида тўхтаб ўтишимга ва яқин тарихимизга ҳам бир назар ташлаб кўришга рухсат этишларини сўрайман. Маълумки, миллий тарихимизнинг охирги бир неча ўн йилликлари Иттифоқ таркибида ўтди. Айни шу йилларда собиқ миллатлар йиғилмаси кўламида бир неча соҳалар бўйича катта-кичик ютуқларга эришилганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Аммо шахснинг шахс сифатида, яъни унинг ички олами ва маънавий дунёсининг емирилиб бориши ҳам айни шу ўн йилликларнинг ичида бўлиб ўтди. Ички сиёсатнинг ўта маҳдудлашиб кетиши натижасида шахс қарийб барбод қилинди. Онг ва руҳият қатъий ўлчамга эга бўлган қолипга солинди. Шахснинг ички олами, маънавий дунёсининг ривожи учун вақт ҳам, имкон ҳам берилмади. Тарихлар ёппасига инкор этилди, қадриятлар топталди. Уларнинг ўрнида ҳамма учун мажбурий бўлган қайфият шакллантирилди. Ижтимоий ҳаётнинг маҳдудлашиши тўғридан-тўғри жамиятнинг онгида ва руҳиятида кўриниш бера бошлади. Демак, жамият (халқ, миллат) ички таянч нуқтасидан ажратилди. Халқ сиёсат деб аталган, аслида эса ўзининг моҳиятини йўқотиб оғир юкка айланиб қолган бундай кучни елкасида олиб юравериб чарчади. Натижада мавҳумлик, қайдлик ва бепарволик ҳаётга хўжайинлик қила бошлади. Юқорида санаб ўтилган барча салбий сабаб-оқибатлар жамлана бориб тузум ва сиёсат ўзининг илдизига болта урди. Натижа нима билан тугаганлигини такрорлашга ҳожат йўқ.

Айни шу қулаш жараёнида жамиятнинг маънавий олами анчагина камбағаллашиб қолганлиги ҳам очиқ кўриниб қолди. Аллақачонлар ички таянч нуқтаси, яъни маънавий оламидан ажратилган жамият таянч излаб чайқала бошлади. Ёмғирдан кейинги қўзиқориндек пайдо бўлиб қолган сиёсий калтабин, мавҳум фикрловчи сохта «доҳийчалар» халқнинг ушбу аҳволидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳаракатига тушдилар. Айрим ҳолларда вақтинчалик бўлса-да, қисман бунга эришдилар ҳам. Аммо республика раҳбариятининг тинимсиз сайъи-ҳаракатлари, кечаю-кундуз тиним билмай изланишлари ва меҳнатлари эвазига бундай ташвишли аҳволга барҳам берилди. Халқ фалокатдан қутқариб қолинди. Қаҳрамонона иш амалга оширилди. Умуммиллий миқёсда янги давлатчилик асосларида жаҳон сари юз тутиш учун кенг йўл очилди. Яқин-яқинларгача ўзбек ва Ўзбекистон деганда ғирашира тасаввургагина эга бўлган жаҳон оммаси бугун бизни мустақил миллат ва давлат сифатида таниб турибдилар. Улар билан йирик иқтисодий ва сиёсий ишлар амалга оширилмоқда. Биз умум жаҳон миқёсида миллат ва давлат сифатида янгидан тамал тошини қўйдик. Ички иқтисодий ва ижтимоий — сиёсий ҳаётни тартибга солиш, йўлга қўйиш борасида катта-катта тадбирлар белгиланиб амалга оширилди ва оширилмоқда. Ҳуқуқий давлатни қуришга асос солинди. Ҳаммасидан қувонарлиси шуки, давлатимиз раҳбари, Президентимиз бошчилигида умум миллий миқёсда маънавий уйғониш, қадриятларни қайта шакллантириш ва руҳий тикланиш борасида бир қанча кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Ҳа, бугунги кунда маънавият ва маърифат масаласи Президентимиз томонидан ички сиёсатнинг яна бир янги йўналиши сифатида умуммиллий миқёсда эълон қилиниши бежиз эмас. Мустақил миллат ва давлат сифатида фаолият юритаётганимизга беш йил тўлиб олтинчи йилга қадам қўйган бўлсак-да, биз ҳанузгача айрим долзарб масалаларни ечишда, халқимизнинг йўлига кўндаланг бўлиб турган баъзи муаммоларни бартараф этиш борасида бир қадар лоқайдлик ва бепарволикка йўл қўяётганимиз рост. Умумдавлат фуқаролари кўламидаги сайъи-ҳаракатларини талаб этиб турган ва фақат умумфуқаролар иштирокидагина ечилиши мумкин бўлган қатор муаммоларни ечиш ишларини давлат раҳбари ва бошқарув тизимигагина юклаб қўяётганимиз рост. Бунинг устига давлат ва миллат тараққиётини таъминловчи илм-фанга қизиқиш кейинги йилларда бироз сусайди. Ватаннинг ва миллатнинг келажаги ҳисобланадиган ёшларнинг таълим-тарбиясида қатор камчиликлар кўзга ташланмоқда. Қолаверса, жамиятимиз ҳаётида қисман ўрнашиб-улгурган ушбу салбий сабаб-оқибатлар бугунги кунда давлатчилик ишларимизнинг ривожига салбий таъсир этиб турганлиги ҳам рост. Шу борада айтиб ўтиш лозимки, шахс доимо ўзининг ички олами, яъни маънавий даражасидан келиб чиқиб ташқи оламга, демак жамият ва давлат ҳаётига ўзининг амалий муносабатини билдиради. Хўш, маънавият бу ўзи нима ва уни қандай тушунмоқ ва тушунтирмоқ мумкин? Маънавият тўғрисида гапирилганда инсоннинг ички ва ташқи бламининг ҳар томонлама мукаммал ва баркамол кўринишда мужассамлашганлигини тушунмоқ лозим. Яъни Ватан ва миллатга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳамда улар олдидаги бурчини тўғри англаш, аҳлоқ-одоб қоидаларини ўзига тўғри сингдириб тўғри мужассам қилиш, давлат, жамият ва ота-она тарбиясига содиқ бўлиш, тарихга нисбатан ҳурмат, аждодлар руҳлари ва авлодлар олдида бурчли эканликни унутмаслик, илм-маърифатга интилиш, маданиятга талпиниб яшаш, доимо фаҳм-фаросатли бўлиш, меҳнатга тўғри муносабат, табиатни ардоқлаш, ёши улуғ инсонларга чексиз ҳурматда бўлиш ва ёшларга онгли равишда ҳар томонлама тўғри таъсир этиш, ҳар бир инсонга — унинг миллатидан, динидан ва жинсидан қатъи назар ҳурмат билан муносабатда бўлиш каби қатор хислатлар шахснинг маънавий етуклиги даракчиларидир. Миллат, халқ сифатида юқорида санаб ўтилган хислатларни ўзимизга жамлаб шакллантиришимиз биз учун бугунги кунда долзарб вазифадир. Ушбу вазифага жадалроқ киришишимиз учун бизга таянч бўлиб хизмат қиладиган қадриятларимиз мавжуд. Зеро, нафақат миллатимиз, балки башарият олдидаги буюк хизматлари билан улкан қадим шарқнинг маънавий, илмий-маърифий олами шавкати, довруғини жаҳонга ёйган не-не буюк зотлар ва алломалар етишиб чиққан миллатга мансуб шахслар эканлигимизга таянмоғимиз лозим. Уларнинг авлодлари сифатида айни шу зотларимизнинг маънавий-маърифий камолоти даражасидан пастда юришга ҳаққимиз йўқ. Бу борада катта ишлар ҳозирги кунда олиб борилмоқда. Катта-катта вазифалар олдимизда турибди.

Мусурмон ЮСУПОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг проректори ўринбосари.



СОЙ СУВИНИ БАҲОР ТОШИРАР...

Равил АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ШАҲАР УМРИНИ УЗАЙТИРИБ

ХОРАЗМ. Ўзининг 25 асрлик тўйига ҳозирлик кўраётган Хева шаҳрининг қадимий обидалари, қалъаю мақбаралари ва деворларини қайта таъмирлаб, шаҳар умрини янада узайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, Ичонқалъа деворларининг узунлиги 2200 метр бўлиб, олисдан кўзга ташланиб туради. Бу деворларнинг таг — замини 5-6 метр, баландлиги 7-8 метрни ташкил этади. Таъмирловчилар эса деворнинг «Хон бозори» ёнидаги кунчиқар тарафини созлашмоқда. Усталарнинг нияти шаҳар тўйи кунларигача ишларни якунлашдан иборат.

Рўзимбой ҲАСАН.

ҚИШЛОҚ ГУЗАРЛАРИ

ҚАШҚАДАРЁ. Косонлик Маҳмуд Саидов оға-инилари билан бамаслаҳат хайрли иш қилди. У маҳаллада гузар ташкил этиб, падари бузруквори ҳурмати учун унга «Дили Саид» деб ном берди. Бу ердаги ҳаммом, чойхона, катта-кичик дўконлар ва маиший хизмат шаҳобчалари ҳамқишлоқлар хизматида. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ғуломжон Хушиевнинг таъкидлашича, бундай гузарлар ҳозирча учта бўлиб, яна кўпайтириш режалари бор экан.

Юнус УЗОҚОВ.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ҚОЛГАНИГА «КЎКИДАН» БЕРАРМИШМАН...

У устаси фаранглардан эди. Ўзи бош бухгалтер бўлган Қибрай парандачилик фабрикасида кўпгина «ҳунарлар» кўрсатиб, оғизга тушганлардан. Шу фабрикада электропайвандчи бўлиб ишлаб турган Усмон Мажидовнинг уй олиш орзусида юргани ҳақида хабар топди-ю, тинчини йўқотди. Туни билан мижжа қоқмай, режалар тузди. «Кимсан Любовь Мартинова бўлсам, нақд ўлжани хамирдан қил суғургандек ундирмасам, нима қилиб юрибман, бу дунёда...» Ана шу хаёллар билан кўпдан бери орзу қилиб юрган режасини рўёбга чиқариш пайига тушди. Усмон билан учрашиб, гапни бир ерга қўймоқчи бўлди.

— Уй олмоқчи экансиз деб эшитдим, истасангиз ҳужатингизни чиқаришим мумкин, — деб тилғламалиқ қилди. Узоқдан эмас, шу атрофдан уй-жойли бўлишни кўнглига тугиб юрган У. Мажидов ҳам соддалик билан унинг таклифига қизиқди.

— Сотмоқчи бўлганингиз қаерда, неча хонали, — деб сўради.

— Узоқ эмас, — деди Любовь Мартинова. — Яна тумандош эканмиз... Уч хонали, мазза... Қибрай массивида, 1-уй, 12-хонадон.

— Бўлмаса бир қўрайлик, кейин, мўлжалингиз қанча?, — суриштирди Усмон.

— Ҳа, энди юрт қатори, от билан туя бўлармили? Икки миллион, яна келишаверамиз.

Усмон ўйланди. Аниғини эртасига маълум қилишини билдирди. Чунки, у кишида бунчалик катта сармоя йўқ эди. Яқинлари билан маслаҳатлашиб қарз-қавола қилишга тўғри келди. Кейин Мартинова билан учрашиб: «Рози бўлсангиз 1 миллион 700 мингга олишим мумкин», деди. Люба сукут аломати — ризо, ишорасини қилиб қўяқолди. Боиси, унинг кўнгли Бошқирдистон, Уфада эди. Юкларини контейнерга жойлатиб, йўл харажатию, Уфада олинадиган уйга пул тўплаш пайига тушганини сир тутарди. Нияти пулни олиб, жуфтакни ростлаш бўлганидан нақдини бой бериш, ютқазиш билан баробар эканини сезди-ю, «Пулни қачон оламан»га ўтиб олди.. Олувчи эса: «Хафа бўлмайсиз, ҳозирча қўлимдагиси 1 миллион 100 минг рубль» деди. Люба шунга ҳам шукр қилди. Гўё севинганидан: «Мана сизга уйнинг калити, уч хонали бемалол яшайверасиз», деб қўйди.

Бу воқеа 1993 йилнинг августида содир бўлган. Люба «ўлжасини» қўлга киритиб, сафарга юзланди. Олувчи ҳайрон. Осоннинг хосияти бўлмайди, деганларидек, кўнгли ғаш эди. Любага «олди-сотди»ни расмийлаштиришни таклиф қилди. У бўлса: «Усмон, наҳотки, бир-биримизга ишонмасак. Нотариусда эримнинг иштирок этиши лозим. У эса, ҳозир Уфада...» деб ҳали жўнаб кетмаган турмуш ўртоғини йўққа чиқариб, чалғитди.

Шу кеттанича бир йилдан кейин қайтиб, пулнинг қолганини сўради. Усмон эса: «Майли, келишамиз, фақат олди-сотдини ҳужжатлаштириш керак», деди. Люба яна баҳоналарни ёғдирди, кўндирмоқчи бўлди: «Бир йўли бор. Пул қадри ўзгарди. Ҳужжатни тўғрилаш осонмас. Агар қолганига 800 доллар берсанг — ора очиқ»... деди. Аммо, энди олувчи сўзида қатъий эди. Иш битмагач, Люба зарда қилиб яна Уфага йўл олди ва 1995 йилгача «қорасини» кўрсатмади.

Усмон эса эзгуликка умид боғлаб, уйда истиқомат қилаверди. Уй ҳақи ва солиқ тўловларини вақтида тўлаб, ўтираверди. Люба эса қайтиб келиб, пулнинг қолганини олиш ҳақида ўйламасди: «даъво уч йилгача» тартиби бор деган хаёлда эди. Аммо, қаинотаси Фёдор Спиридонов бир куни тун қоронғусида кутилмаганда Усмоннинг хонадонига «одам» ёллаб бостирди.

— Бу ерда яшашга ҳақларингиз йўқ. Қўлларингизда асосли ҳужжат ҳам топилмайди. Аслини олганда келиним сизларни ижарага қўйганди, холос. Ия, ижара ҳақида гап ҳам йўғ-а. Ижара учун 18 минг, олиқ-солиқнинг қолганини тўлайсизлар. Марҳамат қилиб уйни бўшатасизлар, акс ҳолда суд олдида жавоб беришга тўғри келади.

Қибрай тумани халқ суди Ф. Салоҳиддинов раислигида кўриб чиқиб уй-жой масаласини Люба Мартинова фойдасига ҳал қилди. Усмон Мажидовга уй бермай, тезда кўчириш керак деган қарор чиқарди. Аммо, Усмон ҳам қараб ўтирмади. Иш қайта кўрилишини талаб қилди. Энди иш 1996 йилнинг октябрида Тошкент туман халқ суди А. Азизхўжаев раислигида кўрилди. Яна ҳеч нарса ўзгармади. Люба ҳақ бўлиб чиқди. Яна даъво-ариза...

Иш вилоят суди кўрсатмаси билан Қибрайда судья Р. Юнусов раислигида учинчи марта кўрилди. Бу safар тажрибали адвокат Муҳсин Ёдгоров жабрланувчининг жонига оро кирди.

— Суд мажлисида ўтирибману, — дейди Усмон, — адвокатнинг мени ёқлаб айтган асосли гапларини тингларканман, худди ҳинд фильмларидаги адолат тантана қиладиган ҳаяжонли дамлар кўз ўнгимда гавдаланади. Ниҳоят, деб кўнглим юмшайди. Аввалги судьяларнинг холис ва одилликни бузиб, тарафкашлик қилишгани ҳам фош бўлди. Ваҳоланки, уйнинг олди-соттисидан кейин уч ой мобайнида унинг хужжатлари расмийлаштирилмаса, даъвогарнинг ҳар қандай ҳаракатлари бекор бўларкан...

Любанинг «соддалиги»ни қаранг, ўша йиллар унчамунча ишларни битириш мумкин бўлган маблағдан фойдаланиб бўлиб, уйга ҳам эгалик қилмоқчи эди. Нияти пучга чиқди. Боиси, ўзи яшамаган уй-жойга фуқаро асосли равишда олти ойгача муддатда даъвогарлик қилиши мумкин. Бунинг устига Люба Мартинова аллақачон Бошқирдистон фуқароси бўлиб олган эди.

Бўларкан-у. Адолат тантана қилди. Суднинг қарори билан оғзаки олди-сотди масаласи бекор қилинди. Уй У. Мажидовга ҳатлаб берилди. Пулнинг қолганини эса агар Л. Мартинова ихтиёр этса судга ариза бериб, фуқаролик ҳуқуқи асосида талаб қилишга изн берилади. Уринишлари зое кетган Люба яна журъат этармикан? Шуни айтадиларда ҳар ким қилса, ўзига, деб...

Ҳайдар НОСИРОВ.

• Хатлар • Хатлар • Хатлар

НОН ВА СУВДАЙ АЗИЗ ГАЗЕТАМ

Ҳурматли таҳририят! Мен 1952 йилдан буён отахон газетамиз «Ўзбекистон овози»ни олиб ўқийман, сақлаб қўяман. Ҳозир менда шу газета сонлари сонмасон турибди. Бундан ташқари, туман газетасини, «Ўзбекистон матбуоти», «Фан ва турмуш» журналларини ҳам йиғиб юраман. Ўзим ҳар йили 4-5 номдаги нашрларга обуна бўламан.

Бу гапларни батафсил ёзаётганимнинг сабаби бор, албатта. Газета — мен учун нон ва сувдай азиз. Ўқимасам — туролмайман. Энди гапимнинг индаллоси шуки, мен ўтган йили «Ўзбекистон овози» газетасининг 157 ва 164-сонларини, «Дўстлик байроғи» (туман газетаси)нинг 145, 146, 149-сонларини ололмай қолдим. Сабаби, почтачи Аркабой Пирмахонов мана шу сонларни олиб келмади. Яна, «Ўзбекистон матбуоти»нинг ўтган йилги 4-сонинигина олдим, холос. Бунақа тартибсизликка 44 йилдан бери биринчи марта дуч келишим! Почтачи ҳафтада, 10 кунда бир марта келиб, уч-тўрт сонни бир қўшиб ташлаб кетади. Бунақада газетадаги гапларнинг долзарблиги қоладими?! Ахир, нафақадорларга пул тарқатиладиган кунлари, почтачилар йўртиб-югуриб қолади, пулга югуриш бошқача-ю, газета деб югуриш бошқачами? Ёки нафақадорлар фақат почтачи олиб келган газетанигина ўқиб, бошқа кунлари йўл қараб ўтириши керакми?

Шерозаддин ҲУСАНБОЕВ,
Қорақалпоғистон, Тўрткўл тумани, «Заводская» кўчаси, 58.

ЙЎЛОВЧИГА ҚУЛАЙЛИК, КОРХОНАГА НАФ

Шу йил 13 февраль соат 15лар чамаси «Тошкент—Шимкент» йўналишида қатновчи автобусга чипта олдим. Қачон жўнашини сўраганимда, кассир 10 минутдан кейин деб жавоб берди. Лекин орадан бир соат ўтса ҳамки ҳайдовчидан дарак бўлмади. Кун совуқ, автобус эшиклари эса берк эди. Ниҳоят, соат 17 ларга яқин ҳайдовчи келиб «41-71» рақамли автобус эшигини очди. Шериги билан бир нарсалар ҳақида шивирлашгач уни автобусдан тушириб қолдирди. Автобус юргач «Йўлимиз бехатар бўлсин» деб фотиҳа қилдик. Афсуски қувончимиз узоққа чўзилмади. Ҳайдовчи йўлни ўзгартириб, автобусни орқага қайтарди. Сарсон-саргардон бўлган йўловчилар шу куни йўлдан қолишди. Хўш ҳайдовчининг бундай қўпол хатти-ҳаракатини қандай баҳолаш мумкин? Ахир у тўғрисини айтса ҳам бўларди-ку...

Дарҳақиқат, 50-60 ўринли автобусда борйўғи 10-12 киши ўтирган эдик, холос. Шундай катта автобуснинг 150 километр масофага тўлмай бориши иқтисодий жиҳатдан жуда катта зиён. Буни тушуниш мумкин. Лекин йўловчиларда нима айб? Корхонанинг иқтисодий наф кўриши, йўловчиларга қулайлик яратиш учун кўп ўринли автобуслар қаторида ихчам, 15-20 ўринли тезюрар микроавтобусларни йўлга чиқарса чакки бўлмасди. Ҳозирча кўп ўринли автобусларнинг ярми бўш кетиш ҳоллари тез-тез учраб турибди.

Маҳкам ОРИПОВ,
Шимкент шаҳри.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«БАЛИҚЛИ ҚЎЛИГА БИР БОҚАЙЛИК»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил, 14 январь)

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти рўзномангизда чоп этилган «Балиқли кўлига бир боқайлик» сарлавҳали мақолани ўз вақтида эълон этилган долзарб мазву деб ҳисоблайди. Чунки Фориш тумани ҳудудидаги Балиқли кўли балчиғи республикамизда ягонадир. У ўзининг физик ва кимёвий хусусияти ҳамда таркиби билан Кавказ курортларида ишлатилаётган Тамбукон кўли балчиғига яқиндир.

Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг 1979 йил 3 сентябрдаги 723-Р сонли Фармони ва республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1979 йил 27 сентябрдаги 1197-сонли буйруғи билан бир қанча ижобий ишлар амалга оширилган бўлса-да, улар узоққа бормади ва маҳаллий ташкилотлар томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Давлат тоғтехназорат қўмитаси ва Н. А. Семашко номли саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий текшириш институти раҳбариятлари томонидан Жиззах вилояти ҳокимлиги ва унинг соғлиқни сақлаш бошқармаси номига бир неча маротаба хат орқали мурожаат этди.

Балиқли кўлининг шифобахш балчиғидан тўғри фойдаланиш мақсадида шу кўл яқинида касаба уюшмалари Федерацияси томонидан санаторий қурилиб, сурункали хасталикларга даво топилса одилона иш бўлар эди.

Уни Жиззах вилояти ҳокими ва вилоят экология қўмитаси билан биргаликда бирор ташкилот қарамоғига топшириши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош бошқарма бошлиғи
П. МЕНЛИҚУЛОВ.

АҚШ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ЁРДАМ КЎПАЯДИ

Америка Қўшма Штатлари аввалги йилларидан фарқли ўлароқ хорижий давлатларга молиявий ёрдам кўрсатиш дастурларига катта аҳамият бермоқда. Чунончи, Оқ уй конгрессдан келаси йилда ташқи сиёсий фаолиятни молиявий таъминлаш мақсадлари учун 19 миллиард 400 миллион доллар ажратишини сўрамоқда. Шундан 7 миллиард 200 миллиони АҚШ Халқаро тараққиёт бўйича агентлиги орқали тақсимланади. Мазкур маблағдан 700 миллиони Африкани ривожлантириш жамғармаси эҳтиёжларига, 492 миллиони Шарқий Оврўпа мамлакатларига махсус ёрдам кўрсатишга ва 900 миллиони собиқ иттифоқ ҳудудида ташкил топган янги мустақил давлатларга ажратилади. Кўриниб турибдики, АҚШнинг хорижий мамлакатларга қўмаклашиш дастурларига бўлган муносабати тубдан ўзгарган.

Клинтон маъмурияти 1998 молиявий йилда Марказий Осиёдаги беш давлатга молиявий ёрдамни 87 миллион доллардан 148 миллион долларга оширишни режалаштирмоқда. Агар АҚШ конгресси томонидан ушбу режалар маъқулланса, унда маблағлар қуйидагича тақсимланиши: Қозоғистон — 52 миллион доллар, Қирғизистон — 36,5 миллион доллар. Ўзбекистон — 32,5 миллион доллар, Тожикистон 15,4 миллион доллар, Туркманистон 6 миллион доллар олиши мўлжалланмоқда. АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги директорининг ёрдамчиси Томас Дайн Вакиллар палатасининг Осиё—Тинч океани минтақаси бўйича кичик қўмитасида бўлиб ўтган тингловлар чоғида шуни маълум қилди.

Хўш, Оқ уй Марказий Осиё давлатларига молиявий ёрдамни кескин оширишни кўзлаётганлигининг боиси нимада деган савол туғилиши табиий, албатта. Бунинг боиси, Томас Дайннинг таъкидлашича, «Марказий Осиё улкан Овроосиё қитъасидаги стратегик чорраҳадир. Келажакда бу минтақанинг аҳамияти ошса ошадики, асло камаймайди».

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

«КЕЛАЖАК УЙИ»

Яқинда, аникроғи май ойида кўпдан буён кутилаётган воқеа — энг бадавлат америкалик Билл Гейтснинг данғиллама уйи тақдимоти бўлади. «Майкрософт» компьютер дастурий маҳсулотлари салтанатининг асосчиси ҳозир тантанага таклифномалар жўнатмоқда.

Гейтснинг матбуот билан алоқа бўйича вакили Шелби Барснинг маълум қилишича, Вашингтон штатининг Медина шаҳрида бунёд этилаётган муҳташам уйнинг қурилиши баҳор ўрталарида тугалланади. 50 миллион долларга тушаётган бу ҳашаматли уйни ҳақли равишда «Келажак уйи» дейиш мумкин. Чунончи, бир хонадан иккинчи хонага ўтаётган кишига автоматик тарзда ёниб-ўчадиган ёруғлик, шунга ҳамоҳанг мусиқа ҳамроҳ бўлади. Уйнинг компьютер маълумотлар сандиғида миллионлаб график тасвирлар, шу жумладан машҳур рассомлар мўйқаламига мансуб асарларнинг нусхалари ҳам ўрин олган бўлади. Уй соҳибининг истагига кўра деворда улар алмашиниб туради.

Ҳа, айтгандай, тақдимотга «Форбс» журнали бош-қош бўлади. Бу бежиз эмас. Ахир у ҳар йили АҚШнинг 400 энг бадавлат фуқароси номини эълон қилади. Гейтс эса бир неча бор унда биринчи ўринни эгаллаган. Дарвоқе охирги эълон этилган рўйхатда унинг мол-мулки 18,5 миллиард доллارни ташкил этган эди. Ҳозир эса Гейтснинг «баҳоси» 20 миллиарддан ортиқ доллардир.

Алишер РЎЗИЕВ.

1

«Сизларнинг қай бирингиз бирор гуноҳ иш қилаётган одамни кўрсангиз, уни аввало қўл билан қайтаринг, бунга имкон бўлмаса, тил билан қайтаринг. Бунга ҳам қодир бўлмасангиз дилингизда нафратланиб туринг».

Ҳадиси шарифдан.

Тунов куни десангиз қўшнимиз ҳовлиқиб чиқиб қолди.

— Ўғлимизнинг тоби қочиб қолди, ғалати бўлиб кетяпти, «Тез ёрдам»га телефон қилиб олай, — деди у.

Кейинчалик маълум бўлишича, ўғилчаси ҳозирги кунда ҳар қадамда сотилаётган ялтир-юлтир ширинликлардан истеъмол қилган экан. Дўхтирлар боланинг ҳолати анча оғир, деб касалхонага олиб кетишибди.

Аслини олганда, бу муаммо пайдо бўлганига анча бўлди. Матбуот бонг уряпти, радиодан суҳбатлар бериляпти, телевидение орқали ўша ўтмас матоҳларни усти ялтироқ, ичи қалтироқ кони зарар бўлган егуликлар туфайли касалхоналарда ётган норасида фарзандларимизнинг аҳволини кўрсатишди. Дўхтирларнинг оғу билан суғорилган бундай ширинликларни ўғил-қизларингизга сотиб олиб берманг, деган илтижоларини эшитяпмиз. Фарзандларингизни шундай егуликларни сотиб олишдан қайтаринг дейишяпти.

Қани ўзингиз айтинг-чи, азиз ҳамюртлар, бу даъватларнинг нафи бўляптими? Афсуски, ҳозирча биз кутган натижани бермаётир. Қайси кўчага кирманг, қайси дўконда бўлманг — ҳаммаёқда ўша ялтир-юлтирлар. Бола болалигига боради — кўзни ўйнатувчи, дилни қитиқлагувчи бу матоҳлар унинг тинчини бузади, Баъзан китоб оламан, деб мўлжаллаб қўйган пулига ўша матоҳлардан харид қилиб қўйганлигини ўзи ҳам сезмай қолади. Оқибатда касални сотиб олган бўлиб чиқяпти. Соғлом насл учун кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ҳозирги пайтда нонкўрлар шу йўлни тутишяпти.

Савдо ва саҳитария инспекциялари жойларда текширишлар ўтказишди. Жумладан, Тошкентнинг ўша машҳур Отчопар бозорида ўтказилган бу жараённи телевидение орқали кўрсатишди. Ўзингиз ҳам гувоҳ бўлдингиз: истеъмол қилиш муддатлари аллақачонлар ўтиб кетган, аслида бутунлай яроқсиз аҳволга келиб қолган егуликлар бемалол, ҳеч бир тап тортмай, сотиляпти. Шу матоҳлар келтирилган юртларда уларни сотиш қатъиян ман қилинган, уларни ахлатхоналарга ағдариб йўқ қилишади, бунга йўл қўйган кимсаларга жуда катта миқдорда жарима солишади. Бизда ҳам жарима солишяпти, ҳатто зарарли егуликлар мусодира қилиняпти. Жуда тўғри йўл, шундай қилиш даркор.

Муносабат

ПОКЛАНИШ ЖАРАЁНИ

дик. Лекин ҳуррият — бу нима истасам шуни қилаверишим мумкин дегани эмас. Юртга, элга фойдаси бўлса марҳамат. Аксинча, зарар келтирадиган йўлларнинг барчаси қаттиқ тўсиб қўйилади. Эл манфаати шуни талаб этади.

Бозор иқтисоди юртимиз бўйлаб дадил одимлаяпти. Кишиларимиз дунёнинг истаган мамлакатларига бориб, аҳоли эҳтиёжини қондирадиган турли хил маҳсулотларни олиб келмоқдалар. Бу хатти-ҳаракат заминида менга ва ҳамюртларимга қандай наф етади, деган мақсад бўлмоғи аёндир. Ҳар соҳада соғлом муҳит яратиш мақсадларимиздан бири экан, ҳар кун, ҳар соат кишилар эҳтиёжи билан боғлиқ бўлмиш соҳа — савдода ҳам шундай бўлмоғи шарт. Алдов — мусулмончиликда катта гуноҳ ҳисобланади. Уят, бировнинг ҳақидан кўрқиш, орият, андиша, поклик ва ҳалоллик миллатимиз фазилатларидандир. Нафс ҳирси йўлида имон-эътиқодни оёқ ости қилиб топилган фойда эвазига бола-чақа боқаётган кимсалар эртага рўшнолик кутиши амримаҳол.

Кишининг бузилиб кетиши, яъни тўғри йўлдан оғиши ўнғай, лекин унинг тузалиши, мақбул йўлга қайтиши ҳийла қийин кечадиган жараён дейдилар. Чамамда, биз фикр юритаётган соҳада ҳам шундай бўляпти. Покланиш жараёнини тезлатиш мақсадида халқда ўта кучли, қудратли чора бор — ўша ялтир-юлтирларни харид қилишдан ўзимизни тийсак бас. Сизнинг, менинг — ҳаммамизнинг дилимиздаги нафратни ўша ноинсофлар сезсин. Уларнинг молини олишдан юз ўгирайлик, шунда балки молидан юз ўгириш унинг эгасидан ҳам юз ўгириш эканлигини зора сезса. Ўзгалар зарари ҳисобига ўзи учун наф кўрмоқчи бўлганлар билсинки, кишилар бундайлардан ҳазар қилади.

Шу фикр менда пайдо бўлганига анча бўлди. Хонадонимиздагилар ўзи ялтироқ, ичи қалтироқ ўша нарсаларни олмайдиган бўлишди. Бу ҳақда кўни-қўшнилар билан, ёри оғайнилар, ҳамкасблар билан ҳам фикрлашдик. Ҳаммага маъқул тушяпти. Тўғри-да, яхши сўзга, илтимос ва илтижоларга кўнмаганларни шундай йўл билан синдириш, ўз измимизга юргизиш мумкин ва лозим. Токи, юртимизнинг ички бозорлари номаъқул моллардан тозалансин. Мустақиллигимизни мустаҳкамлайман деган тадбиркор ва сармоядорларга айтадиган тилагимиз шу эрур: азиз биродарлар, юртим қаддини тезроқ тикласин, мен ҳам бошқалар қатори шу муқаддас ишга ўз ҳиссамни қўшай, топганим пок бўлсин, оиламга ҳалол луқма едирай десангиз, эл дуосини олиш ниятида бўлсангиз ўзга

3

2

Яна сўрайман, азиз ҳамюртлар, бу борада кўрилаётган чоралар натижа беряптими? Жавоби яна ўша: биз кутган даражада эмас. Нега? Билсангиз ўртада шайтон бор. У баъзи савдо-сотиқ билан шуғулланаётган кишилар юрагига ғулғула солиб турибди. Ўша ўзга юртларга қатнаётганлар харид қилинаётган молларнинг истеъмол муддатлари аллақачонлар ўтиб кеттанлигини биладилар. Лекин нархини эшитиб васвасага тушадилар: жуда арзон, Сабаби аниқ, ахлатхонага ташлаб юборгандан кўра, арзон бўлса ҳам пуллаган маъқул. Ана шу матоҳни мол деб олиб келиб, бизда бирни ўнга сотишяпти. Шу нопок ишни қилаётганлар бундай йўл тутиш маъқул эмаслигини ҳам биладилар. Лекин уларга раҳнамоликни шайтон ўз қўлига олган, у инсофни бостириб, нафсни хаккалак оттиряпти: кўпроқ фойда оласан, тезроқ данғиллатиб қаср қурасан, ўзингникини битиргач, ўғлинг учун ҳам қурасан, «Волга»ни «Мерседес»га алмаштирасан... Хуллас, ана шундай шайтоний васваса баъзи ватандошларимизни нопок йўлга бошлаяпти. Улар ҳеч нарсадан тап тортмай қўйдилар — бировнинг чув тушиб қолиши, кимнинг фарзанди касалланиши, бу эса одамларга ташвиш-ғам келтириши мумкинлигини ўйламай қўйдилар. Ўзим бўлсам бўлди, бошқалар билан ишим йўқ — мана уларнинг фалсафаси.

Биз эса менга нима, уволи ўзининг бўйнига деяпмиз ҳозирча. Шу тўғрими, мусулмончиликка мос келадими, қани ўзингиз айтинг-чи, биродарлар. Пайғамбаримиз жаноб Расуллоҳ ҳадисларини варақлаб туриб, қуйидаги сўзларни ўқидиму, бутун борлиғим титраб кетди: «Одамларга шундай замон келадики, инсон ўзи топган молу дунёсини ҳалол йўл билан топдими ёки ҳаром йўл билан топдими, иши бўлмай қўяди». Ё алҳазар!

Исломий маданиятимизда сотилаётган нарсанинг айби яширилса, савдода барака бўлмайди, аксинча гуноҳ орттирилади. Бундай кимсалар учун охиратда ҳеч бир насиба йўқдир. Наҳотки, бу ўткинчи дунё деб ҳақиқий дунёдаги насибамизни ўз қўлимиз, ўз ихтиёримиз билан йўққа чиқарсак. Ё алҳазар! Инсоф ва диёнати кўтарилган одам шу қўйга тушади. Раҳмон йўлидан чиқиб, шайтонга қўл берган киши шу ҳолатнинг қурбони бўлади. Ачинасан киши. Инсон деган улуғ номинг бор, нечун бу қадар маънавий сўқирлик, виждон кемтиклиги. Алломалардан бири айтган экан: «Мен бошсиз қолишдан қўрқмайман, юзсиз қолишдан қўрқаман».

Эркинлик, ҳуррият, узоқ йиллар халқимизнинг эзгу армони эди. Шукрларки бунга эришюртларда ўтмас матоҳ бўлиб қолган нарсаларни олиб келишни бас қилинг. Бунинг ўрнига илғор технологияни олиб келинг, ўз юртимизда ўша ширинликларни, егуликларни ишлаб чиқаришни ташкил қилинг. Чет эллик мутахассислар билан биргаликда қўшма корхоналар барпо этинг. Бу ҳақда катта-катта йиғинларда кўп гапирилди. Шундай қилсангиз икки томонлама савобга қоласиз: бир томондан кишиларимизни иш билан таъминлайсиз, иккинчидан эса покиза маҳсулот ишлаб чиқариб, эл олқишини оласиз. Шу юртнинг фарзандиман, шу тупроқдан, шу ҳаводан баҳраманд бўлиб ўсдим, улғайдим, унга ҳалол хизмат этмоқ менинг фарзандлик бурчим, деган ҳар бир киши шундай йўл тутмоғи маъқул. Ўйлаб кўринг, бой бўлгурлар, қилни қирқ ёриб, атом сирларини очаётган, ҳамма ҳавас қилаётган, самолётлар, автомашиналар бунёд этаётган ўзбек наҳотки, оддий ширинликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмаса? Қўя олади, қўйганда ҳам қандай денг! Оғзингизда эриб кетадиган парварда, лаззатидан бутун вужудингиз яйрайдиган пашмак, белга қувват, дилга дармон берадиган новвотни ўйлаб топган ўзбек учун у ширинликлар нима деган нарса. Биз сизнинг виждонингизга, эътиқодингизга, миллатпарварлик, ватанпарварлик туйғуингизга мурожаат этиб шунга ундаймиз: Қўйинг, тайёрга айёр бўлишни, ўзингизни ерга урманг, ахир сиз дунёни ҳайратга солган не-не алломаларнинг зотидансиз, ахир сиз ахлоқ-одоб бобида, Исломий маданият бобида ўзга юртларга сабоқ берган улуғларнинг фарзандисиз. Қолаверса, сиз — ўзбексиз! Нопокликдан ҳазар қиладиган миллат вакилисиз, номи оламаро тилга олинаётган Ўзбекистон деб аталмиш муқаддас юртнинг фарзандисиз, юзисиз, кўзисиз, кўркисиз, фахрисиз! Чет элларда сизларга қараб бизнинг ҳаммамизга баҳо берилади. Яхши ишингиз ҳам, хато ва нуқсонларингиз ҳам — буларнинг барчаси фақат сизга тегишли эмас, у ҳаммамизники, бутун миллатникидир. Шу туйғу дилга жо бўлса, ният холис қилинса, ҳар қандай жумбоқлар ечилгусидир. Бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Лекин, ўтиш даври деб ҳисобланмиш шу мураккаб жараёнда ким ўзини қандай тутгани тарихда, албатта, қолгусидир. Сиздан афсус-надоматлар чекиладиган ишлар эмас, балки фахрифтихор билан тилга олинадиган ишлар қолсин, яхшилик қолсин.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

4

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР ТЕЛЕ ДАСТУРИ

ДУШАНБА, 17

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Профилактика муносабати билан 17 март, душанба куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.45 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар клуби.
19.05 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамбллари «Зилол» телефестивали.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Кўп қисмли видеофильм. 5-қисм.
22.25 «Бу оқшом...»
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 Ватан тимсоллари».

II
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.40 «Спорт қитъаси».
18.50 «Тулпор».
19.00 «Услуб».
19.10 «Жасорат мактаби».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кинонигоҳ».
22.30 «Спорт қитъаси».
23.00 «Бебаҳо лаҳзалар».
23.10 Кундалик.
23.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
23,25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.15 — 00.25 Кундалик.

III
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш курсатуви.
8.00 — 8.30 «Хафтанома».
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Даврнинг ўзилмас ришталари». Премьера.
8.45 «Хоразм наволари». Мусиқий дастур.
9.15 «Котиллик пайида». Бадиий фильм. 1-серия (Италия).
10.00 Янгиликлар.
10.05 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. Ёзувчи Омон Мухтор.
10.30 Физика.
11.00 «Оҳангграбо». Самарқанд вилоят қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.10 «Тутиқушли хоним». Бадиий фильм.
13.50 «Озодалик куни». Мультфильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Тандир, арча, олов». Манзарали телефильм.
18.15 Эълонлар.
18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
21.40 Эълонлар.
21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 16-серия (Канада).
22.30 «Кругозор». Тележурнал.
22.50 — 23.10 Россия давлат телевидениеси.
23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.20 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мульткарусель».
19.05 «Умид».
19.35 Кечки сеанс. «Кинг-Конг тирик». Бадиий фильм.
21.05 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
21.15 «Тасвир».
21.40 «Авторейд».
21.50 «Аёл».
22.20 Эълонлар.
22.25 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.15 «Спорт-тайм».
23.45 «Худди биздек...»
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 18

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Санъат институти ҳаётидан лавҳалар». Премьера.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ тадбиркорлари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Она тили.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Ўзбекистон тарихи.
12.00 «Лалварлик овчи». Бадиий фильм.
13.05 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. «Маҳобатли кошона». Темурийлар даври тарихи.
13.30 «Ассалом, баҳор!»
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

16.50 Кўрсатувлар тартиби.
16.55 Футбол. Ўзбекистон VI миллий чемпионатининг очилиши. «Пахтакор» (Тошкент) — «Афросиёб» (Самарқанд). «Пахтакор» Марказий уйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.
18.50 «Кувноқлар даврасида».
19.05 «Аёл борки, олам мунаввар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Маънавият». «Оҳанглардан таралган меҳр».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Кўп қисмли видеофильм. 6-қисм.
22.25 «Замон».
22.35 «Маънавият». Комилжон Отаниёзов қўшиқлари.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.35 Тунги тароналар.
00.15 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Кундалик
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 ТВ плюс...
18.40 «Киносайёра».
19.00 «Олтин кент».
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 ТВ плюс...
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50 Кундалик.
22.55 «Спорт қитъаси».
23.25 «Акс».
23.45 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
00.05 — 00.15 Кундалик.

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 «Олтин жўжа», «Топишмоқлар куни». Мультфильмлар.
18.15 Эълонлар.
7.30 — 9.00, 18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
21.40 Эълонлар.
21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 17-серия.
22.30 «Сумалак». Телефильм.
22.50 — 23.10 Россия давлат телевидениеси.
23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.20 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш кўрсатуви.
19.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.45 «Қоликлар ҳақида сабоқлар».
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Кўркам сакура».
21.20 «Тиббиёт ҳамма учун».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Уйингоҳ+оила».
22.25 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.15 «Америкага бир назар».
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 19

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Маънавият». «Оҳанглардан таралган меҳр».
8.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Иқтисодий ислоҳот уфқлари». Премьера.
9.15 Болалар учун. «Кувноқлар даврасида».
9.35 «Фармон ва ижро».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. Театр санъати.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Зология.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Ботаника.
12.00 Танбур ва дутор тароналари.
12.30 Болалар учун. «Келди Наврўзи навбаҳор».
13.00 Таэквондо бўйича Ўзбекистон чемпионати.
13.20 «Яшил орол сири», «Уйқу салтанати». Мультфильмлар.
13.40 «Фермер». Тележурнал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фил учун совға». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттагина...».
18.25 «Замон билан ҳамнафас».
18.40 «Морена Клара». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамбллари «Зилол» телефестивали.
20.15 Оқшом эртаклари
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.35 «Маърифатнома».
22.05 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Кўп қисмли видеофильм. 7-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.05 «Зерикмай десангиз...»
19.15 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кинонигоҳ».
22.40 «Зерикмай десангиз».
22.50 «Спорт қитъаси».
23.10 Кундалик.
23.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
23,25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.15 — 00.25 Кундалик.

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 «Нафосат олами». Телефильм.
18.15 Эълонлар.
7.30 — 9.00, 18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
21.40 Эълонлар.
21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 18-серия.
22.30 «Шоҳсупа сари йўл».
22.55 — 23.15 Россия давлат телевидениеси.
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.25 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Бизнен мирас».
19.30 «Ҳуқуқ ва бурч».
19.50 «Мусиқий меҳмонхона».
20.20 «Мезон».
20.45 «Экстремал ўйинлар».
21.35 «Азизим».
22.00 «Ҳамма қуриши шарт... эмас».
22.40 Эълонлар.
22.45 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.35 «Автосалтанат».
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 20

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Рақсларнинг сеҳрли олами».
8.55 Иқтисодиёт чорраҳаларида.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Оналар мактаби».
10.35 «Қишлоқ ҳаёти». Тележурнал.
10.55 «Камондаги қалб». Мусиқий дастур.
«Ешлик» студияси намойиш этади:
11.25 «Мен ёшликман».
11.50 «Шўрчининг бугуни ва келажаги».
12.15 Хабарнома.
12.25 «Зумраша». Киножурнал.
12.45 «Футбол шарҳи».
13.00 «Маърифат» видеоканали.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 «Олтин мерос». Мумтоз наволар. Телевизион қўшиқ фестивали.
18.45 «Катта танаффус». Байрам сочи.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.15 «Кунгил тароналари». Мусиқий дастур.
21.40 «Одобнома».
21.50 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
22.10 «Эъзоз». Наврўз байрамига бағишланган бадиий-публицистик кўрсатув.
23.10 «Меҳр қолур, оқибат қолур».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Мумтоз қўшиқлар.
00.15 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
9.25 «Спорт қитъаси».
9.35 «Тулпор».
9.45 «Услуб».
9.55 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.05 «Олтин кент».
10.20 «Акс».
10.40 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
11.00 «Зерикмай десангиз».
11.10 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
11.30 «Дунё бўйлаб».
12.20 — 14.00 «Кинонигоҳ».

* * *

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.30 «Сув ости дунёси».
19.20 Оҳанглар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Нафис мажнислар», Аёллар учун кўрсатув.
21.20 «Ором онлари».
21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
21.50 «7 дан 70 гача». Қизиқарли кўрсатув.
22.10 Кундалик.
22.15 «Сехргар». Кўрсатув ва Эълонлар.
22.30 «Кинонигоҳ».
00.10 — 00.20 Кундалик.

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 «Қўқ бўталоқ». Мультфильм.
18.15 Эълонлар.
7.30 — 9.00, 18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
21.40 Эълонлар.
21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 19-серия.
22.30 «Мусиқа ҳамма учун».
23.00 — 23.25 Россия давлат телевидениеси.
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Айчурек».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 «Чирок».
20,05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «02» тўлқинида.
21.10 «Интерспорт».
21.25 «Эллада».
21.55 «Каталог».
22.05 «Коктейл плюс».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Инспектор Фрост». Телесериал.
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 21

I
«НАВРЎЗ — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ИЙЛИ» 6.30 ДАН УЗЛУКСИЗ ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР ДАСТУРИ.

II
9.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
9.30 «Улоқ». Телефильм.
9.40 «Дерют».
9.55 Ўзбекистон Миллий боғидан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар.
11.25 «Бойсунда қор эриганда». Телефильм.
11.55 — 13.35 Видео — «О».

* * *

18.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!»
18.05 Кундалик. Махсус сони.
18.25 «Боланинг тили».
18.40 «Камолот» (рус тилида).
18.55 «Қовун тушди».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Айём муборак!».
20.05 Дунё байрамлари.
20.15 Кундалик. Махсус сони (рус тилида).
20.20 «Айём муборак!»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.00 Эълонлар.
21.05 Тўй ҳангомалари.
21.15 «Айём муборак!»
21.20 «Яқинроқ тур».
21.50 «7 дан 70 гача». Қизиқарли кўрсатув.
22.15 ТВ плюс... (рус тилида).
22.30 Кундалик. Махсус сони (рус тилида).
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.05 Видео — «О». «Майсаранинг иши».
01.05 «Айём муборак!»

III
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Муъжизалар куни». Болалар учун фильм-концерт.
7.30 — 9.00, 18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
21.40 «Ўзбекистон — умумий уйимиз».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Шумбола». Бадиий фильм.
23.40 — 00.05 Россия давлат телевидениеси.
00.05 — 00.35 «Наврўз». Телефильм.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Байрам тантаналари.
18.55 «Мульткарусель».
19.10 Байрам табриги.
19.20 «Умид чечаклари».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Чинор».
20.25 Байрам табриги.
20.35 «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.25 «Наврўз — «Трансаэро» қанотларида».
21.40 Байрам табриги.
21.50 «Жума оқшомида...»
22.30 «Ташрифинг муборак, Наврўз!».
23.00 Байрам тантаналари.
23.40 «Латофат».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 22

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Ассалом, Наврўзи олам!».
8.30 «Уйғоқ кунлар». Кинокомпозиция.
8.40 «Чамандаги гуллармиз». Болалар учун кўрсатув.
8.55 «Наврўз хандаси».
9.05 «Меҳр қолур...»
9.20 «Бир жуфт қўшиқ».
9.30 «Тирик томирлар».
9.50 «Наврўзи олам келди». Хоразм болалар фольклор-этнографик дастасининг чиқиши.
10.10 Ўзбекистон Миллий боғидан Наврўз тантаналари ҳақида репортаж.
11.40 Бир жуфт қўшиқ.
11.50 «Наврўз» табриги.
11.55 «Олтин камарли Артур».
12.10 Ю. Исматова, М. Бафоев. «Улуғбек буржи». «Тановар» рақс театрининг спектакли. 1-қисм.
12.50 «Наврўз» табриги.
12.55 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Амар, Акбар, Антони». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.
15.30 «Наврўз» табриги.
15.35 Ю. Исматова, М. Бафоев. «Улуғбек буржи». «Тановар» рақс театрининг спектакли. 2-қисм.
16.40 «Ўхшаш чехралар».
17.10 «Наврўз» табриги.
17.15 «Аския». Телефиль

ИСТЕЪДОД ҚАДРИНИ ТОПАВЕРСИН

Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар

Истеъдод аҳли ҳам бир банда, барча кишиларга ўхшаб уларниям хулқ-атворида яхши ва олди-қочди томонлари бўлиши табиий. Бири тортинчоқ, бири мақтанчоқроқ, бирови шаддоду бирови соддадил, бошқаси андак «аёлпарвар» ёки буткул одамови бўлиши мумкин. Аммо уч омил борки, улар истеъдод сўзи билан абадий ёнма-ён яшаб ўтади: фидолик, изланувчанлик, кашф. Санъати азалдан юксак тараққий этган юртимиздаги ўнлаб доврукли бастакорлар сафига тўсатдан ёриб кириб, қисқа фурсат ичида эл оғзига тушган Анор Назаровда ана шу уч омил тўкис мужассамлиги унинг ўткир туғма истеъдод эгаси эканлигини яққол намойишлаб туради.

Анор Назаровнинг куй-қўшиқлари радио ва телевидениеда «ҳукмронликни қўлга ола бошлагани», ўзбекни, Ўзбекистонни, Истиқлолни улуғлаш унинг энг севимли мавзуси бўлиб қолаётганлиги, ўз юртининг ғурурли фуқароси сифатида эътибор қозонаётгани ҳақида кўп сўйлаганмиз. Лекин асосий гап нимани улуғлашда эмас, қандай улуғлашдадир. Анорбек дилидаги сурур ва эътиқодини тамоман янгича оҳанг, ўта ширали садоларга жойлаб ва ҳар бир товушга ўн марталаб қайта-қайта сайқал берилган пишиқ-пухта асарларини кўз-кўзлаб, бизни ўзига ром айлади. Унинг юрагида каттакон кўр, қонида оташ бор. Туйғулари сохта парвозланишлардан, самарасиз чиранчоқликлардан бутқул бегона. Завқшавқи қай йўлга бошласа, ўша ёққа юради, кўнгли нимани куйласа, шуни қоғозга туширади, бурчи тақозо этган доиранинг ичида ижод қилишга интилади.

Бир маҳаллар «ёввойи оҳанглар»га тўлиб-тошган симфоник оркестримиз Анор Назаровнинг қўли остига ўтгач, қисқа вақтда миллий овозини бор бўй-басти билан кўрсата олиш даражасига етди, маҳаллий ихлосмандлари сонини ой сайин кўпайтириб борди. Мустақиллик байрами, Наврўзи олам сингари оммавий шодиёналар Анорбекнинг мусиқий безаклари ила ўзбекона қиёфасини топди, қалбларга ифтихор бўлиб қуйилди, юксак тантанаворлик касб этди. Мана энди унинг бошчилигидаги «Ўзбекнаво» ҳам бутун республикамиз бўйлаб турли кўнгилочар тадбирлар ўтказиш, вақтинчалик қийинчиликларни мардонавор енгаётган метинфеъл халқимизнинг руҳини кўтариш борасида улкан ишларни амалга ошириб келмоқда...

Машҳур ва элга суюкли кишилар ҳақида кўп нарса билсанг-да, кўп гапириш жуда мушкул. Ўзгалар улар тўғрисида сендан-да кўпроқ нарсаларни биладигандек туюлаверади. Мен бу номдор бастакоримизнинг шуҳрат қозонган ўнлаб гўзал асарларини номма-ном таърифлаб ўтирмаганимнинг сабабиям шу. Фақат, уни яқиндан биладиган дўст сифатида бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоғим лозим бўлади — Анорбек инсон сифатида ҳам мусиқаларидек ниҳоятда ёқимтой. Ҳаддан ташқари самимийлиги, камтарлиги, ҳалоллиги унинг истеъдоди каби туғмадир.

Назаримда, Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига қўйилган номзодлар бу сафар янада саралаб танлангандек. Булар орасида Анор Назаровнинг, шунингдек «Сўнгги ўқ»чиларнинг номзодлари ортиқча мунозара ва мақтовларга асло муҳтож эмас деб ўйлайман.

Анвар ОБИДЖОН.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 15-mart, shanba № 33 (22.117).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Янги мавсум арафасида

БОШ ЖАМОА — ФУТБОЛИМИЗ КЎЗГУСИ

Истиқлол юртимизда мамлакат миллий чемпионатининг олтинчи баҳори бошланмоқда. Зеро, минглаб мухлислар кўнглида алам бордек. Боиси, улар мамлакат терма жамоасининг Осиё кубоги учун курашдаги шармандаларча мағлубиятини унутишгани йўқ. Аммо кўнгилда умид ғунчаси ниш урмоқда. Чунки, олдинда жиддий ва масъулиятли синов турибди. У ҳам бўлса, бош жамоамизнинг Францияда ўтказилажак жаҳон чемпионати финалига йўлланма олишидир.

Бундай эзгуликка эришиш учун бизда нима етишмайди? Ўринбосарлар камми ёки шарт-шароитлар кўнгилдагидек эмасми? Назаримда ҳаммаси жойида. Юртимизда бу борада ҳеч бир мамлакатда амалга оширилмаган саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Футболимизни ривожлантириш, юртимиз довруғини жаҳонга ёйиш учун алоҳида қарор қабул қилинган бўлса. Ҳамма гап жон куйдиришда. Ташкилий, тадбирий ишларни ўрнига қўйишда. Аввало, бош жамоанинг мураббийси ўта зукко, билимдон ва талабчан бўлса, айни муддао бўларди. Бош жамоанинг ютуғ-у камчилигида мамлакат футболининг аҳволи намоён. Демак, бош жамоанинг футболимиз кўзгуси, деса ҳам бўлаверади. Бу кўзгунинг беғубор ва равшан бўлиши учун ҳаммамиз, айниқса, футболга дахлдор кишилар бир жон, бир тан бўлиб, хайриҳоҳлик қилишса, кўзлаган ниятимиз рўёбга чиқаверади.

Бош жамоа нуфузини ошириш учун баъзи таклифларим бор. Айтайлик, турк элларияро халқаро мусобақа ташкил этилиб, унга Туркия, Озарбойжон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон терма жамоалари таклиф этилса, бўлмасмикан? Кейин мамлакат чемпионатининг ҳозирги таркибини ўзгартириб, сентябрдан бошлаб келаси йилнинг июнига қадар давом эттирилса. Бу, кубок ўйинларига жуда мос тушади. Жумладан, бундай чемпионатнинг биринчи давраси декабрда якунланаётган бўлади. Айни чоғда эса Осиё ўйинлари ва қитъа кубоги каби йирик мусобақалар ўтказилаётган даврга тўғри келади. Бир сўз билан айттанда, бош жамоамизнинг миллионларнинг фахрига айланиши учун барча имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилайлик.

Спорт

Малик ЭСОНОВ.

ГАП НОМДА ЭМАС

Маълумки, олий лига вакилларининг бу йилги чемпионати ўзгача шароитда бошланмоқда. У ҳам бўлса, чемпионат иштирокчилари бўлган кўпгина жамоаларнинг номлари ўзгарганида. Жумладан, «Насаф» номи қолди. Сабаб Муборакнинг «Машъал» жамоаси манзилини алмаштириб, Қаршига боргач, бир йўла маҳаллий «Насаф» билан бирлашишга мажбур бўлди. «Гиламчи» номининг ўзгариши ҳам яхши бўлди. Баҳонада «чи»лардан қутилдик. Унинг ўрнига жамоага «Хева» деб ном берилиши кўпчиликка маъқул келди.

Аммо, «Нурафшон» номини ўзгариши зарурмиди, деб ўйлайсан киши. Бир қарашда бу жамоанинг «Бухоро» деб юритилиши дурустга ўхшайди. Чунки, қадимий шаҳарнинг 25 асрлик тўйига ҳозирлик кўриляпти. Лекин, Бухоронинг номи шундоқ ҳам жаҳонга таниқлиги сир эмас-ку. Тўғри, хорижда ҳам «Рома», «Горино», «Барселона», «Гамбург» ва «Ливерпул» каби шаҳарларнинг номи берилган жамоалар борку, деган мулоҳаза бўлиши мумкин. Айни пайтда бу шаҳарларда «Лоцио», «Интер», «Ювентус», «Эспаньол», «Эвертон» каби жамоалар ҳам борки, мухлислари ҳам етарли ҳисобланади.

Бир мисол. Бир пайтлар Грузияда ҳам қадриятларни тиклаш важидан Тбилисининг «Динамоа» жамоасини «Иберия» деб юритиладиган бўлди. Оврўпада эса мухлислар фақат «Динамо»ни тан олишарди. Шунда грузинлар Европа кубок эгалари кубогини қўлга киритган жамоа эканликларини ёдга олиб, «Иберия»дан кечишга мажбур бўлишди. Боиси, уларнинг назарида «Динамо» ҳар қандай номдан жарангдор эди. Хуллас, атрофлича ўйлаб қарасак, гап жамоанинг номида эмас. У қандай ўйин кўрсатишида. Ҳар қандай команда жангари, ҳужумкор ўз сафини тўпурарлар билан бойитган бўлса, номи ҳам улуғ бўлаверади. Ўзига чиройли ном олиб, унга маҳлиё бўлиб юришдан ёмони бўлмаса керак. Янги мавсумда юртимизнинг янги ном олган жамоалари ўзларини қандай кўрсатишар экан? Буни бўлажак ўйинлар кўрсатади.

Нодир СУЎҲОНОВ.

Умр дафтари

МУҚАДДАС СЎЗ ХИЗМАТИ

Яқинда бир қаламкаш дўстим билан гурунглашаётиб хаёлимдан шундай фикр ўтди: бизда журналистлар қилиши лозим бўлган иш ҳам асосан шоир ва ёзувчилар зиммасига тушмоқда. Шундай ижодкорлардан айримлари кейинчалик бира-тўла журналистикага ўтиб кетишмоқда.

Таниқли публицист-ёзувчи Ёқубжон Хўжамберди ана шундай фидойи ижодкорлардан биридир. «Зарурат», «Ой тўлган тунлар» шеърий тўпламларининг муаллифи бўлган Ёқубжон, агар таъбир жоиз бўлса, азбаройи элу юрт дардига малҳам бўлиш, ҳаёт кун тартибига қўяётган долзарб муаммоларга жамоатчилик эътиборини тортиш, уларни ҳал этишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиш умидида шоирлигини ҳам публицистикага қурбон қилди ҳисоб.

Эсимда, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ишлаб юрганимизда бир куни Ёқубжон андак ажабсиниб гапириб қолди: «Шодмонбек, Одил ака (бош муҳарririmиз Одил Ёқубов) менинг шоирлигимни билар экан!»

— Нега билмасин, ахир, сиз туппа-тузук шоирсиз-ку! — дедим дўстимнинг беғубор соддалигидан завқланиб.

— Раҳмат, аммо мен барибир шеърни кам ёзаманда.

Бир куни нашриётдан Ёқубжонга телефон қилишиб, зудлик билан шеърий тўпламингизни олиб келинг, навбатдан ташқари чиқариб берамиз, дейишади. Дўстларнинг маслаҳати билан Ёқубжон Дўрмонга бориб, бир ҳафта ичида талайгина шеърлар битади. «Ой тўлган тунлар» тўплами шу тариқа яратилади.

Ушбу дил сўзлари баҳонасида Ёқубжоннинг тўпламлари, сон-саноқсиз мақолалари, «Ўзбеклар иши» деган салмоқли публицистик китобини яна қайта ўқиб чиқдим ва кўнглимда чуқур бир қониқиш, ижодкор дўстимдан фахрланиш ҳиссини туйдим. Бу асарларда Ёқубжоннинг бутун борлиғи, феъли атвори, ҳаёт фалсафаси, дунёқараши, имон-эътиқоди мана мен деб турарди.

Ёқубжон Хўжамбердиев публицистикасининг мавзу-мундарижаси ниҳоятда ранг-баранг. Уларни батафсил таҳлил этиш зукко мунаққидларнинг вазифаси. Шундай бўлса-да, бир фикрни таъкидлашни истардим: Ёқубжон ижодида қишлоқ мавзуси, «ризқи эгатларга сочилган халқ»нинг орзу умидлари, туриш-турмуши, дарду ҳасратлари, элу юртнинг, улуснинг ор-номуси, манфаатларини ҳимоя қилиш устувордир.

Публицист-ёзувчи ўзи қаламга олган мавзуларга чуқур кириб бора олгани, уни батафсил ўргангани ва ўзи қаламга олган муаммоларга ёниқ муносабат билдиргани, ўз дардини ўқувчига «юқтира олгани» (Лев Толстой) учун ҳам мақолалар ўқиган одамни бефарқ қолдирмайди.

Тўртинчи ҳокимият — матбуот ҳақида давом этаётган баҳс-мунозараларга фаол муносабат билдирган Ёқубжон «...ҳар қандай газета, энг аввало сиёсат, журналист — сиёсатчи», «...журналистларга ўз сўзи ва фикрини эркин ифода этиш имконини бериш» лозим деб ҳисоблайди. Ўзи эса ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам имон-эътиқодига содиқ қолишга интилади.

Ёқубжон кўнгилчан йигит бўлса-да, ҳаётда ўзига ва атрофдагиларга нисбатан анча талабчандир. «Ватан» газетасига бош муҳаррир бўлганида ҳатто ўзига ҳам ҳайфсан берворган!

Ўз илмига амал қиладиган, оқибатли одам, табиийки касбига, ишхонасига, оиласи ва устозларига, дўстларига ҳам садоқатли бўлади.

Ёқубжон яхши кўрган устозлари — Абдулла Орипов ва Рауф Парфининг садоқатли шогирдидир. Бундан кўп йиллар муқаддам Абдулла ака Ёқубжонни кўчада учратиб қолиб, «Юр, Қашқадарёга бориб келамиз!» деса, ўзи яқинда зўрға ишга жойлашган газета таҳририятидан бир оғиз жавоб сўрамай кетворса, ишдан ҳайдалиб кетишини (ўшанда таҳририятларга ишга кириш қийин эди) яхши билса-да, устознинг сўзини қайтаролмай, хўп дея кетворади. Қайтиб келгач, табиий, ишдан ҳам ҳайдалади. Аммо Ёқубжон бундан хафа бўлмайди, ўша сафар таассуроти ҳар нарсадан қадрли туюлади.

Оиласига, болаларига меҳрибон ота бўлган дўстимиз гап-гаштакларда, зиёфатларда сал узоқроқ ўтириб қолсак, тез-тез соатига қараб, «Уйга қайтмасам бўлмайди, Машрабхон кутиб қолади, тоби йўқроқ эди» дея узр сўраб, кетишга ошиқади. Аёли ҳам уни «Домла, домла!» дея еру кўкка ишонмайди. Уларнинг бахтли оиласига кўпчиликнинг ҳаваси келади. «Меҳр кўп кўргуз»гани (Навоий) учун Ёқубжон фақат оилада эмас, ёру биродарлари, ҳамкасблари, улфатлари даврасида ҳам суюмли, ардоқлидир.

Шу кунларда ўзининг 50 ёшини қаршилаётган дўстимизни ҳозир «Ассаломуалайкум» телекўрсатувига раҳбарлик қилиш баробарида ўз кучини синаб кўрмоқда.

Шодмон ОТАБЕК.

ЭЛЛИК ЁШ

ЁҚУБЖОН АКАГА

Биз ҳам уриб қўйдик, мана, элликни
Эллик ёш — хазонлик ёки гулликми?

Умр қарамаскан қаеҳликсан деб,
Сен — Ўзган ва ёким Янгийўлликми.

Қанча ўй ва яна қанча тўй ўтди,
Юртдан кеткизолдик қарам, қуллиқни

Ўтган шу ҳаётим ўзимникидир,
Бир йилда яшадим гоҳ ўн йилликни.

Фақат яхшиликка суяндим, гарчи
Кўп кўрдим икки тил, икки дилликни.

Доим ёмон кўрдим ғаразгўйлигу
Кибру субутсизлик яна гўлликни.

Қанча дамларимга товон тўладим,
Бу ёғи бепулми ва ё пулликми?

Ҳозир ҳам мен ўшал Ёқубжондирман,
Хуш кўрмам тавозе, ҳар хил қуллуқни.

Фақат бир узрим бор, бир хижолатим:
Биз ҳам уриб қўйдик, мана, элликни.

Сирожиддин САЙИД

Турфа олам — турфа одам

ЭРИНГИЗ ҚАНЧА МАОШ ОЛАДИ?

Америкалик олимлар тадқиқот ўтказишди. Мамлакатнинг бир неча шаҳарларида, шунингдек, Чикаго, Лос-Анжелес, Сент-Луис ва Майамида тажриба учун оилали аёлларга сўров анкетаси тарқатишди. Аёлларга: «Эрингиз қанча пул топишини биласизми?» деган савол билан мурожаат этилганди.

Дунёда турли халқ, турлича урф-одатлар бор. Барибир умуминсоний одатлар ҳам кўп. Айниқса, аёлларда. Улар қаерда яшамасин, қай миллатга мансуб бўлмасин, аёл-да, биринчи навбатда уй бекаси. Пул харжловчи. Шунданам сўров анкеталаридаги жавоблар «бизнинг аёллар»дан кўп фарқланмайди. Сўралган 200 нафар аёлнинг 122 таси ёки 61 фоизи бу саволга «йўқ» деб жавоб беribди. Менимча, бизнинг аёлларимизнинг бундан ҳам кўп фоизи шундай жавоб қиларди.

— Эрим пул топади, мен кетказаман, — дейди флоридалик уй бекаси. — Қанча пули бор, очиғи ҳеч ўйлаб ҳам кўрмабман. Агар қистовга олсам айтади. Мабодо у мендан сарфлаган пулларимни, охирги чақаларигача ҳисоботини сўраса борми, жоним ҳалқумимга келади. Йўқ, яхшиси уям сўрамасин, мен ҳам.

Сент-Луислик аёл эса: «Билмайман. Фақат шуни биламан: топгани кам!» Ана, холос. Ҳамма орзу қилувчи Америкада-я! Борига қанот қилувчи бизнинг хотинларнинг бардошига балли!

Детройтлик ходима-чи: «Билмайман. Бир нарсани аниқ биламан. Никоҳимиз битта — ҳамёнимиз иккита. Уники-уники, меники-меники. У ўзини «қоплайди», мен ўзимни».

Майамилик хотин: «Сўраб нима қиласиз? Эркаклар буни жинидан ёмон кўради. Узоқ йиллардан буён ҳар ҳолда тинчгина яшаймиз. Очиғи, тинч яшашимизнинг боисиям шу. Эримнинг молиявий ишларига мутлоқо аралашмайман».

Ҳа, одамлар ҳар хил. Лекин ҳамма жойдаям эркаклар бир хил, чамаси. Бизнинг эркаклар ҳам ҳамёнини «тафтиш» қилган хотинни кўпам хушламайди-ку.

Майамилик аёл тўғри қилади. Тинчгина яшаш боиси — эркакларнинг молиявий ишларига яхшиси, бурнингизни тиқманг. Америкалик аёллардек иш тутинг. Бу фикримга қўшилмаслигингиз ҳам мумкин. Ҳар кимнинг ҳамёни оила сири, дерсиз. Менимча ҳам тўғриси шу.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи М. ҚУРБОННИЁЗОВА

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0141

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.45.
123456.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ДОИМИЙ МИЖОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ост-Ин» фирмаси Европа андозалари бўйича юқори сифатли йўлка плиталарини тайёрлайдиган машиналарни ишлаб чиқаришга киришди. Ўз-ўзини қоплаш муддати — 50 кун.

Шунингдек, фирма қуйидагиларни

ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА:

— ғиштларни ярим қуруқ пресслаш учун машиналар;
— сариёғ тайёрлаш учун қурилмалар.

Чувалчангсимон 1463 русумдаги редукторларни

СОТАДИ

Телефонлар: 62-56-79 — кундузи, 44-48-20 — кечқурун.

Собир Раҳимов туман ҳокимлиги ижроия маҳкамаси томонидан 1996 йил 26 февралда Рустам Ахатжонович Валиев номига берилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳақидаги № 009606 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги муносабати билан

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

TELDA-TASH ЎЗБЕКИСТОН -ИСРОИЛ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ЭЛЕКТРОН АТСЛАР
ҚЎРИҚЛАШ СИГНАЛИЗАЦИЯСИ ТИЗИМЛАРИ

Телефонлар: Тошкентда (3712) 41-64-40; Самарқандда (3662) 33-05-96.

ЭНГ ЯХШИ ЕЧИМЛАР

CROW ELECTRONIC ENGINEERING LTD. Visonic Ltd TADIRAN TELECOMMUNICATIONS LTD.



Фирма - ишлаб чиқарувчилардан тўғридан тўғри етказилади

1. "CONEX" КОНЦЕРНИНИНГ ОФИС ЭЛЕКТРОН ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯЛАРИ (Исроилда ишлаб чиқарилган). Шакли хилма-хил, ички номерлар сони 8дан 480гача, ташқи линиялар сони 3дан 50гача, сўзлашувларни тарификациялаш имконияти, барча станциялар захиравий энергия манбалари билан бутланади. Тошкентдаги омбордан етказилади.

2. "TADIRAN TELECOMMUNICATION" КОНЦЕРНИНИНГ "CORAL" РАҚАМЛИ ЭЛЕКТРОН ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯЛАРИ (Исроилда ишлаб-чиқарилган) Алоқа техникасида ҳарбий технологиялар, XXI аср алоқа техникаси, ички абонентлар сони 8 дан 4000 гача, АТСнинг ҳар қандай тури билан боғланиб ишлайди, кўп сонли иштирокчилар билан телеконференция ўтказиш имконияти, станциядан сервис хизмати кўрсатиш. Олдиндан буюртма бериш бўйича етказилади.

3. ОФИСЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ХОНАДОНЛАР УЧУН ҚУРИҚЛАШ СИГНАЛИЗАЦИЯСИ ТИЗИМЛАРИ (Исроилда ишлаб чиқарилган) "CROW", "UISONIC", "ELITE TECHNOLOGY" фирмаларининг асбоб-ускуналари, юксак технологиялар ва дизайн, қўриқлаш сигнализациясининг тури ва ишлаш принципи ҳар хил замонавий датчиклари, акс эттирувчи микропроцессор пультлари (концентраторлар, назоратчилар) зоналар сони 4дан ортиқ, қўриқлаш сигнализациясининг симсиз тизимлари (датчиклар ва назоратчилар), ишлаган конкрет датчикни аниқлаб берувчи қўриқлаш сигнализация тизимлари (манзилли тизимлар) қўриқлаш сигнализацияси ва телекузатув комплекс тизимлари, телекузатув асбоб- ускуналари. Олдиндан буюртма бериш бўйича етказилади.

Барча асбоб-ускуналар кафолати 1 йил. Мақбул нархлар.
Асбоб-ускуналар Ўзбекистон Республикаси ва Россияда сертификатга эга.

ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИДА ТЎРТ ЙИЛДАН БУЁН ИШЛАЯПМИЗ